

Фақирнинг эҳсони



07:30 / 29.03.2019 3478

Бир фақир киши бор экан. Фарзандлари кўп, топадиган пули рўзғорига етиб-етмас экан. Бахти кулиб, катта бир ер унга мерос қолибди. Ернинг баҳоси жуда қиммат, миллионларга баҳоланар эди. Қолаверса, ушбу ер масжид учун ўта муносиб жой эди.

Масжид қуришга ер излаб юрган бойлардан бири ернинг дарагини эшитиб, излаб-излаб фақирнинг уйига келибди ва ерни сотиб олмоқчилигини айтибди. Фақир киши ер учун 5 миллион фунт (лира) сўрабди. Тортишув ва ўзаро рози-ризоликдан кейин 4 миллион фунтга келишишибди.

Бойга ҳамроҳ бўлиб келган муҳандис қўлидаги дафтарини очиб, унга 2 миллион бериш ҳақида ёзиб қўйибди. Буни кўрган фақир:

– Қолганини қачон берасизлар? – дебди.

- Қолганини воз кечганингиздан кейин берамиз, - дебди муҳандис.

- Воз кечиш нима дегани? - деб сўрабди фақир. Муҳандис:

- Бу жойга масжид қурилади. Биз билан Вақф ишлари вазирлигига борасиз ва у ердаги махсус ҳужжатга бу ерни бизга сотганингиз ва унга эгалик ҳуқуқидан воз кечганингиз ҳақида ёзиб берасиз. Шунда биз пулнинг қолган қисмини ҳам берамиз, - деб тушунтирибди.

Фақир киши ҳайрон бўлиб:

- Бу ерга масжид қуриладими? - деб сўрабди. Муҳандис:

- Ҳа, масжид қурилади, - деб жавоб берибди. Бу гапни эшитган фақир:

- Мен келажакда масжид қуриладиган ерни сотгани Аллоҳдан ҳаё қиламан. Бу ерни Аллоҳ учун эҳсон қилгани сиздан кўра мен ҳақлироқман, - дебди.

Агар Дамашққа борсангиз, унинг жануб томонида энг баланд мезанали масжид бор. Бу - воқеамиз қаҳрамони бўлган фақир кишининг эҳсон қилган ерига қурилган масжид.

Бу воқеадан сўнг ерни сотиб олмоқчи бўлган ҳалиги бой шундай дебди:

- Бир ақчага муҳтож мана шу инсоннинг олдида ўзимни шу қадар кичик, арзимасдек ҳис қилдимки, бошқа бирор кишининг олдида ўзимни бунчалик кичик, арзимас кўрмаганман.

Доктор Муҳаммад Ротиб Набулсий